

## ШАВКАТ РАҲМОН ҲАЁТИ, ИЖОДИГА БИР НАЗАР

Муллахўжаева Раъно Тошхўжаевна,

Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси,

ф.ф.фд. (PhD)

[rano-05@list.ru](mailto:rano-05@list.ru)

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада Шавкат Раҳмон ҳаёти, илк шеърлари, ижод йўли ва асосий китоблари ҳақида қисқача фикр юритилган. Шоир шеърлятида куйланган ватан ва муҳаббат мавзусининг илк асарларда ҳам долзарб бўлганлиги ёритилган.*

*Таянч сўзлар: шоир, шеър, шеърят, бадиий тафаккур, таржимаи ҳол, бадиий биография, ижод.*

### A GLANCE AT SHAVKAT RAHMAN'S LIFE AND CREATION

#### ABSTRACT

*The article briefly discusses the life of Shavkat Rahman, his first poems, creative path and main books. It is mentioned that the themes of the poet's poetry were motherland and love, they were sung in were relevant even in the first works.*

*Key words: poet, poem, poetry, artistic thought, biography, artistic biography, creativity*

#### КИРИШ

Ижодкорнинг қачон, қаерда туғилгани, қандай муҳитда ўсиб, тарбия топгани, ўқиб-ўрганганини тадқиқ этиш кўпинча аҳамиятсиздек туюлиши мумкин. Лекин шоирнинг бутун ижоди, қайсидир маънода, унинг бадиий биографияси эканлигини инобатга олсак, ҳаётининг ва бадиий биография ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини англаб етамиз. Шу нуқтаи назардан қаралса, Шавкат

Раҳмоннинг таржимаи ҳоли ва ижод йўлини ўрганиш унинг 80-йиллар бадиий тафаккури ривожига қўшган ҳиссасини аниқлашга ёрдам бериши шубҳасиздир.

Шавкат Раҳмон 1950 йил 12 сентябрда Ўш вилоятида туғилди. Шоирнинг отаси Раҳмонберди асли Шаҳрихон туманидаги Сарой қишлоғидан бўлиб, тақдир тақозоси билан Ўш шаҳрида муқим яшаб қолган. Онаси Офтобхон ҳам асли шаҳрихонлик бўлган.

Болаликдан тиниб-тинчимас, ғайратли Шавкат ҳар жиҳатдан мустақил бўлишга интилар, ҳатто ўн уч ёшида таътил чоғи ғишт заводига ишга кирган. Ғишт қуйиш сирларини ўрганиб олгач, келаси йил ҳовлидаги эски пасткам деворларни бузиб, ўрнига очиқ айвонли икки хонали уй ҳам қурган. Орадан йиллар ўтиб, айти шу уйга турмуш ўртоғи Манзура келин бўлиб тушади. Шоир болалигининг ушбу фактларига диққат қаратаётганимиз бежиз эмас. Зеро, “Бўладиган бола бошидан”, деганларидек, болалик давридаги хислат, фазилат ва қусурлар кейинчалик ўзини намоён этади. Ш.Раҳмоннинг болаликдан мустақил бўлишга, ҳар бир нарсани ўз қўли билан бунёд қилишга интилиши ва бу йўлдаги собитқадамлиги йиллар ўтиб унинг катта шоир бўлиб, ўзлигини намоён этишида, шахс сифатида камол топишида муҳим замин вазифасини ўтади.

1966 йилда Шавкат Раҳмон ўрта мактабни битирди. Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетига кетма-кет икки йил ҳужжат топширди. Лекин танловдан ўта олмади. Тошкентда ўқиш орзусига эриша олмаган Шавкат Ўш вилояти газетасида ҳарф терувчи, сўнг мусахҳих бўлиб ишлайди. Бу газетада ўша пайтлари анча танилиб қолган шоир, дилкаш ва самимий инсон Турсунбой Адашбоев фаолият юритарди. Шавкат Раҳмон у билан танишиб, шеърий машқларини кўрсатади. Тортинчок, индамас, айти пайтда, ўжаргина бу истеъдодли йигитчанинг шеърлари Т.Адашбоевга манзур бўлади ва шу тарзда улар бирин-кетин вилоят газетаси саҳифаларида босила бошлайди.

## **НАТИЖАЛАР**

Шавкат Раҳмоннинг 1968 йил “Ўш садоси” газетасида чоп этилган “Орзуга” деб номланган илк шеърига диққат қаратайлик:

Тарк этдими орзулар мени,  
Яна ўзим қолдимми танҳо?!  
О, орзулар, орзулар! Энди  
Дилда қолди армонли нидо.  
Бу гул ҳаёт орзусиз турса  
Чақага ҳам қолар арзимай.  
Бўшлигимни иложи бўлса  
Кўмгим келар ерни қазимай.  
Мен сезаман баъзилар шу тоб,  
Айтмаса ҳам очиқдан бетга.  
Кулиб юрар кимлардир, сабаб:  
Киролмадим университетга.  
Севинишсин, майли кулсинлар,  
Ночин дўстлар менинг устимдан.  
Майли сен, эй шафқатсиз йиллар,  
Камон яса бўю бастимдан!  
Аммо!  
Кўксим узра юрагим  
Уриб турса бўлди бахтимга.  
Курашурман!  
Орзу малагин  
Ўтқузурман кўнгил тахтимга.  
Бахт курашин кўрмаган бу жон,  
Чиққунича худди шу ёшга  
Курашларда йиқилар инсон,  
Марддир яна тушса курашга!<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Раҳмон Шавкат. Ўш садоси // 1968. 14 сентябрь.

Ушбу шеърдаги оҳанг, баён услуби, “Бўшлигимни иложи бўлса, Кўмгим келар ерни қазимай”, “Майли сен, эй шафқатсиз йиллар, Камон яса бўю бастимдан!” каби образли ифодалар ҳамда:

Курашурман!

Орзу малагин,

Ўтқузурман кўнгил тахтимга...

деган некбин ва курашчан рух Шавкат Раҳмон ижодининг илк палласидаёқ лейтмотив ўлароқ жаранглай бошлади. “Орзуга” шеъри фавқулудда мукаммал асар сифатида тақдим этаётгани йўқ, албатта. Бизнинг мақсадимиз шеър орқали шоир поэтик тафаккурининг қай усул ва ўзанда шаклланиб борганлигини кўрсатишдир.

Шавкат Раҳмоннинг илк шеърларини кузатар эканмиз, уларда табиат билан яқинликни аниқ ҳис этамиз. Шоирнинг “Полизда”, “Қиш”, “Оҳу”, “Ирмоқ” каби шеърларида кечинмалар табиат манзаралари воситасида бадиий ифода этилган. Шу билан бирга “Ўйчанлик”, “Хайрлашув”, “Саҳнада”, “Соҳилда қайик”, “Тул сотувчи”, “Ўғирласа гул” сингари шеърларда китобийлик, маълум сакталиклар сезилади. Шавкат Раҳмон бу шеърий машқларини кейинчалик чоп этилган тўпламларига киритмаган. Чунки шоирнинг ўзи уларни ижод йўлининг бир босқичи сифатида қараб баҳолаган. Шундай бўлса-да, ушбу машқлар Шавкат Раҳмоннинг ижодкор сифатида шаклланишида маълум ўрин эгаллайди.

Москвадаги Адабиёт институтига ижодий танловнинг эълон қилиниши Шавкат Раҳмон кўнглида умид учқунларини қайта ёқди. У дўстлари ёрдамида шеърларини рус тилига таржима қилиб, танловга юборди. Москвадан: “Сиз ижодий танловдан ўтдингиз, тезда етиб келинг”, – деган мазмунда телеграмма олди, Адабиёт институтига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, талаба бўлди. Шавкат Раҳмоннинг Москвадаги талабалик ҳаёти ўқиш, изланиш ва танишувлар даврига айланди. У рус ва жаҳон адабиёти билан яқиндан танишди. Хусусан, испан шеърляти, айниқса, Федерико Гарсиа Лорка ижодини чуқур ўрганди. Ўзга муҳит, ўзга иқлим шоир кўнглида турфа ўй-кечинмаларни

ўтказар эди. Ватан соғинчи ўртаган вақтлар офтобли юрт фарзанди эканлигини доимо ёдида тутди.

Шоирнинг дўсти Собит Мадалиевга бағишланган шеърда ифодаланган ғоя унинг бутун ижоди давомида босқичма-босқич тиниқлашиб, янада мукаммал кўриниш олди:

*Биз офтобнинг икки боласи,  
Шаҳарларда юрибмиз кезиб.  
Қалбга тутаиш офтоб толаси –  
Бу толани бўлмас ҳеч узиб.*

*Биз Заминни меҳрга ўраб,  
Олов чизиқ тортганча Тунга,  
Бурчимизни оқлаб тобора  
Яқинлашиб боряпмиз Кунга...<sup>1</sup>*

70–80-йиллар авлоди ижодида устувор бўлмиш Ватан ва озодлик мавзуининг Шавкат Раҳмон шеърларида бўй кўрсатиши унинг Москвадаги ўқиш вақтига тўғри келади. Эндиликда ушбу шеърнинг: “Бурчимизни оқлаб тобора Яқинлашиб боряпмиз Кунга...” мисралари ўзига хос башоратдек туюлиши мумкин. Эҳтимол, шоирнинг кўнгил туби бу кунларнинг келишини сезган ва айни мисраларнинг туғилишига замин бўлгандир.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

1975 йили Москва таҳсилини тамомлаган Шавкат Раҳмон Тошкентга келади. У бир қатор нашриётларда муҳаррирлик қилади. Ҳамиша қизгин ижод билан машғул бўлган талабчан шоирнинг “Рангин лаҳзалар”(1978), “Юрак қирралари” (1981), “Очиқ кунлар”(1984), “Гуллаётган тош”(1985), “Уйғоқ тоғлар”(1986), “Хулво” (1987) сингари шеърини китоблари чоп этилди.

---

<sup>1</sup> Раҳмон Шавкат. Рангин лаҳзалар. Шеърлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1978. – Б. 6.

Шеърый китобга кўйилган ном ушбу тўплам ҳақида дастлабки маълумотни бера олади. Бирор-бир шоир китобларининг номини нашр санасига кўра кетма-кетликда ёзиб чиқилса, маълум маънода шоирнинг ижодий биографияси кўз ўнгимизда қад ростлагандек бўлади.

“Рангин лаҳзалар” шеърый тўпламидаги шеърларга 1972-1977 йиллар санаси кўрсатилган. Унда тўртлик ва бармоқ вазнидаги эркин шаклли намуналар жамланган. Тўплам “Ватан” тўртлиги билан бошланган. Ундан элликдан ортик шеър ва бир неча таржима ўрин олган.

Инсон умри сония, лаҳза, соат, кун, ҳафта, ой ва йиллар каби вақт мезонлари билан ўлчанади. Шоир ушбу умр мезонининг лаҳзаларига тўхтади. Уларнинг “ранги”ни ажратишга ҳар бирининг “ном”ини топишга интилади. Ниманинг “ном”и топилса, моҳияти англанади. Моҳияти –англанган ҳодиса кўнгил мулкига айланади. Ана шунда лаҳзалар рангинлашади. Тўпламдаги шеърлар билан танишар эканмиз, “рангин лаҳзалар”нинг мазмун-моҳиятини илғаймиз. Одатда, кўпчилик шеърый китоблар номи тўпламдаги шеърлардан бирининг номини олади. Лекин “Рангин лаҳзалар”да ушбу ҳолат кузатилмайди. Аниқроғи, шоир тўпламлардаги шеърларнинг умумий ғоя, мазмунидан келиб чиқиб, унга мана шундай жамловчи ном беради.

“Юрак қирралари” 1981 йили нашр этилди. Тўпламдан шоирнинг 1972–1980 йилларда ёзилган саксон саккизта шеъри ва испан шоири Хуан Рамон Хименесдан қилинган олти таржимаси ўрин олган. Тўпламдаги шеърларнинг асосий қисми бармоқ вазнида ёзилган. Эркин шаклдаги шеърлар камчиликни ташкил этади.

“Очиқ кунлар” (1984) тўплами 1979–1983 йилларда ёзилган олти тўққизта шеър ва Федерико Гарсиа Лорканининг айрим шеърлари таржимасидан иборат.

“Гуллаётган тош” Шавкат Раҳмон ижодида алоҳида ўрин тутади, деб айтиш мумкин. Гап бу ўринда китоб номининг фавқулодда образлилигида эмас. Назаримизда, ушбу тўплам шоир ижодини ҳар жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. 1985 йилда нашр этилган мазкур тўпламда шоирнинг ўттиз еттита лирик-

фалсафий шеъри билан бирга Рафаэль Альбертининг бир шеъри таржимаси ҳам жой олган.

“Уйғоқ тоғлар” (1986) тўпламида шоирнинг 1972–1985 йилларда ёзган лирик-фалсафий шеърлари ўрин эгаллаган. “Уйғоқ тоғлар”ни нафақат номланишда, балки мазмун-моҳият, ғоявий йўналиш жиҳатидан ҳам “Гуллаётган тош”нинг тадрижий давоми, дейиш мумкин. “Лирика” туркумида чиққан бу тўплам бошқа шоирларнинг шу хил китоблари қаторида маълум бир ижодий сарҳисобдир. Тўпламдан шоирнинг 1972–1985 йиллар оралиғидаги энг сара шеърлари ўрин олган.

Шоирнинг навбатдаги “Хулво” тўплами 1987 йили нашр этилган. Бу тўпламда шоирнинг ўттиз тўртта шеъри ва Гарсиа Лоркадан қилинган таржималари эълон қилинган. Тўпламнинг номи бир қарашда, аввалгиларига солиштирилганда, сокин оҳангга эга. Тўпламнинг аннотациясида ҳам бу ҳол сезилади: “Шавкат Раҳмон табиатан вазмин шоир. Бу сифат тўпламга киритилган шеърларда ҳам ўз аксини топа олган. Вазминлик тубидаги безовталиқ эса ўтмиш ва истиқбол, замон ва макон, севги ва ҳижрон туйғулари билан қоришиқ ҳолда намоён бўладиким, бу ҳолат руҳингизни хур дарду қувончларига ошино этади, деган умиддамиз. Дарвоқе, тўпламнинг “Хулво” деб номлангани бежиз эмас. Бойчечак тўпламнинг элчиси бўлса, хулво – ялпиз эрка қизидир. Шоир Хулвонинг хуш бўйларини эзгуликнинг мунаввар насимлари тимсолида бизга тақдим этаётир”.<sup>1</sup>

## ХУЛОСА

Шавкат Раҳмоннинг “Сайланма”си вафотидан бир йил ўтиб, 1997 йил нашр этилди. “Сайланма” хусусида фикр билдирган тадқиқотчилар унда шоирнинг сара шеърлари жамланганлигини алоҳида таъкидлашади. Чиндан ҳам, “Сайланма”да икки юз ўттиз иккита шеър, саккизта ривоят ва йигирма саккизта таржима ўрин олган бўлиб, маълум маънода шоир ижодини ўқувчи кўз ўнгида тўлиқ намоён этади. “Сайланма”дан ўрин олган илк шеърлар шоирнинг

<sup>1</sup> Раҳмон Ш. Хулво. –Т.: Ёш гвардия, 1987. – Б.2.

ўзлигини, ижодий тадрижини, образлар ва ғоялар оламини англашимизга ёрдам бериши кўрсатиб ўтилган<sup>1</sup>.

Шоирнинг “Сокин исён” шеърий тўплами 2005 йили Бишкекда чоп этилди. Ушбу тўпландан Шавкат Раҳмоннинг бу пайтгача нашр этилмаган бир неча шеъри ўрин олган.

Шавкат Раҳмоннинг 2012 йил чоп қилинган “Абадият оралаб” тўпламига шоирнинг барча китобларидаги шеърларидан танлаб олинган.

Шоир шеърлари қирғиз, тожик, рус тилларига таржима этилган. Айни пайтда шоирнинг таржимонлик фаолияти ҳам адабий жамоатчилик томонидан қизғин қабул қилиниб, ўзбек ўқувчилари Федерико Гарсиа Лорка, Хуан Рамон Хименес, Рафаэл Алберти, Ўлжас Сулаймонов каби шоирларнинг шеърларини она тилида ўқишга муяссар бўлдилар.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шавкат Раҳмон шеърлари. Ўш садоси // 1968. 14 сентябрь.
2. Шавкат Раҳмон. Рангин лаҳзалар. Шеърлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1978.
3. Шавкат Раҳмон. Хулво. –Т.: Ёш гвардия, 1987.
4. Абдуллаев Ортиқбой. Ўткир сўз қолмаса ҳеч нарса қолмас. Жаҳон адабиёти // 1998. 4-сон.
5. Ҳамдамов Улуғбек. Бадий тафаккур тадрижи. – Т.: Янги аср авлоди, 2002.

---

<sup>1</sup> Абдуллаев О. Ўткир сўз қолмаса ҳеч нарса қолмас. Жаҳон адабиёти // 1998. 4-сон. – Б.151; Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 104-105.